



Кыргиз-ўзбек дўстлиги мустаҳкам бўлади.

Уни Худодан бошқа ҳеч ким бузолмайди. Шундай экан, Аллоҳ таолодан тинчлик сўрашимиз керак.

Садир ЖАПАРОВ,  
Кыргиз Республикаси  
Президенти

(Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 2023 йил 26 сентябрда «Кабар» ахборот агентлигига берган интервьюсидан).

Албатта, Садир Жапаровдан олинганд бу иктиносин ортиқча шарҳлаш шарт эмас - шундик ҳам ҳаммаси тушинарли.

Бироқ бундан деярли ўн ўйлар оддин айни дараражадаги қатъий сиёсий қарорнинг янграши даргумон эди. Чунки, барчамиз биламизки, мустақиликдан кейин иккى қўйни - Ўзбекистон ва Кыргизистон ўтрасида кўп зиддияти масалалар тўпланди ва бу иккى мамлакат ҳамда қародиҳо ҳалқлар ўтасига совукчилик солди, ҳатто нифок уруғларини қадаб келди.

Сиёсий ва иқтисодий келишмовчилклар этник тўполонларга уланниб кетганини, ноҳолис сиёсат туфайли айбизсиз одамлар жасбларнан, ҳатто курбон бўлганини барчамиз яқин тарихдан яхши биламиз.

Шавкат Мирзиёев минтақаға олиб кирган илиқ сиёсий эпкинлар эса ҳалқаримиз ва мамлакатларимиз ўтасида музлаб қолган самимият ва меҳрини қўйта уйготди.

Назаримизда, Кыргиз Республикаси Президентининг иктиносидаги қатъият ҳам, шубҳасиз, Шавкат Мирзиёев ўйогтган ўша меҳр ва самимиятнинг меваиди.

Айни илиқ муносабатлар Садир Жапаровнинг кеча мамлакатимизга қўлган ташрифи давомида ҳам яққол кўзга ташланди. Шу ўринда айтиши керакки, бу ташриф Кыргиз Республикаси Президентининг мамлакатимизга қилган иккинчи давлат ташрифидир.

## Ўзбекистон – Кыргизистон: кўп қиррали ҳамкорликнинг янги даври

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди

### «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф

Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Тошкент шаҳрига келгач, Ўзбекистон Республикаси Бош вазiri ҳамроҳлигига «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюди.

Олий мартабали меҳмон «Янги Ўзбекистон» боғидаги Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

### Тантанали кутиб олиш маросими

Қўксарой қарогоҳида мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

### Дўстлик концерти

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кыргизистон Президенти Садир Жапаров рафиқалари билан бирга Ўзбекистонда Кыргизистон маданияти кунлари бошланишига бағишланган концертда иштирок этилар.

### Кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган хужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ўтасида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида қатор иккى томонлама хужжатлар қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Кўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф давомида 16 та хужжат имзоланди, жумладан:

- Кыргиз Республикасининг иссиққўли вилоятни худудида жойлашган курорт-хордик хўжалиги объектлари бўйича хукumatlararo bitim;

- Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги хукumatlararo bitimiga ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;

- Узбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўйича иккى томонлама музокараларни якунлаш тўғрисида баённома;

- Курилиш фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

- Мехнат, аҳоли бандлиги ва миграция соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

- Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

- Давлат хизмати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

- 2024-2030 йилларда ўзаро савдо ҳажмини ошириш бўйича чорададирилар режаси;

- 2024-2026 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

- 2024-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъмили соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси»;

- 2024-2026 йилларда Ташкент ва Бишкек шаҳарлари ўтасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик миңтақаларо тадқиқотлар инститuti ҳамда Кыргиз Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ташаббуслар миллий инститuti ўтасидаги меморандум ва бошқалар.

### Топ доирадаги учрашув

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг топ доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда иккى мамлакат ҳамкорлигининг дол зарб масалалари кўриб чиқилди.

### Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров муносабатларни иккى мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилар.

### ОАВ вакиллари учун баёнот

Олий дараҷадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров оммавий ахборот восьиталари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ўзбекистон раҳбари Кыргизистон Президентининг давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани ва мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорлигида янги даври бошлаб берганини таъкидлadi.

### Қадимий Хива таассуротлари

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Кыргизистон Президенти Садир Жапаров иккى мамлакат биринчи хонимилиарни билан биргаликда Хива шаҳridagi Ичан қалta мажмуаси ва Нуриллабой сарой мажмуасига ташриф буюди.

Хива тарихи ва унинг фан ривожига кўшган хиссаси, шунингдек, худуднинг бой маданияти ва санъати ҳақидаги хикоялар кыргизистонлик меҳмонларда катта таассурот колдири.

### Янги кооперация лойиҳаларiga старт

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров йирик кооперация лойиҳаларini ишга тушириш маросимида

### Йирик гиламчилик корхонасида

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садир Жапаров «Хива гиламлари» комбинatida бўлди.

Президентлар корхонанинг ишлаб чиқариш жаёни ва шоурумини, шунингдек, комбинat худудида ташкил этилган «Made in Uzbekistan» брендига остидаги саноат маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Кыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунланди.

Урганч ҳалқаро аэропортида олий мартабали меҳмонларни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кузатиб қўйди.



# МАЊАВИЙ ҚАРАМЛИКНИНГ БИР КЎРИНИШИ

она тилига нисбатан эътиборсизлик, ҳурматсизлик миллий ғурур етиши маслиги белгиси

Якнда арзимас кўринган бир сухбат дилимни хира килди. Бу сухбат жамиятния парокандаликка етакловчи улкан иллатнинг кўринмас пойдеворларидан бирни эди. Энг қизиги, бу қандайдир жиддий мавзудаги сухбат эмас, бор-йўги оддийгина, кичик болак билан сузлашув эди...

МЕН ТЎРТ ЁШДАН ОШГАН  
ЖИЯНЛАРИМДАН БИРИДАМ  
ЭРКАЛАДАМ, ЧИРОЙЛАДАМ САЛОМ  
БЕРГАНУ УЧУН «ТАСАННО!»,  
ДЕБ ОЛҚИШЛАДИМ. ШУНДА  
У ОНАСИГА ЎГИРИЛИДА, «ТА-  
САННО НИМА ДЕГАНИ?»  
ДЕБ СЎРАДИ. ОНАСИ ЭСА БУ  
СЎЗНИ «ТАРЖИМА» КИЛДИ:  
«МАЛАДЕС (МОЛОДЕЦ) ДЕ-  
ГАНИ, БОЛАМ». ЖИЯНИМ  
ТУШУНДИМ ИШОРАСИНИ  
КИЛДИ.

Ха, болакай ўз тилидаги «тасанно»ни эмас, русча «моладес» сўзини тушунганди. Вахонларни, бу оила ўзбекча тарбия топган, хеч ким рус мактабида ўқимас, наси хам русчани билмас эди.

Яна бир хотат. Уйда ўғлимнинг туғилган кунига тортиширидик. Гортни уйга олиб кишишлари билан хали уч ёшга тўлмаган, нонни наини дейдиган, хали дуруст гапиришини ўрганмаган набиримар марамонга келтириди, «Ҳалпа до ю» (Happy Birthday To You) деб юборса бўладими. Кейин билдимки, на-

бирам боячада ораларида бир нафар ҳам инглиз бўлмаса-да, болаларни туғилган куни билган инглизчада кутлашар экан.

Бу гапларни ўқиб, хаёлингиздан «Нима килибди, бунақалар кўп-ку», деган ўй ўтиши мумкин.

Тўғри, болаларнинг хорижий тилларни билиши ижобий ҳолат. Махмудхўжа Бехдий айтгандидек, иккى эмас, хатто тўрт тилни билиш бугунги глобалашув, халқаро иктиносидиёт ривожланиши, маданиятилар ўргунлашви шу техника тараққиётни даврида зарур ҳам. Бироқ ўз тилини унтиши ёки уни бошқа тилларга арада штириб юбориш эвазига эмас.

Аслида ўз она тили ва унинг коидаларини яхши билган, ибора ва жумлаларни саводхонлик билан тузу оладиган боланинг чег тилларни ўзлаштириши осон кечар экан. Коидалик олим Жим Камминг бола ривожланишида она тилининг ўрганир берган. Хусусан, она тили болада ҳам шахсий, ҳам маданий, ҳам ижтимоий ўзигига хослики ривожлантириш экан. Шунингдек, она тилидан фойдаланиши болада танхидий фикрлаш ва саводхонлик қобилиятини юксалтириб, у ўз миллий тилида ўрганган грамматика, тил хусусиятилари бошқа тилларни ўрганишга пойдевор бўлиб хизмат килар экан.

Биз миллий қадриялар, миллий ўзлик, уларни асрар-аввалиш хақида кўп куйини гапиризим. Аслида уларни аждодлардан авлодларга олиб ўтгувчи ҳам, уларнинг борлигини аён қўлгувчи ҳам тил эмасми?

Тилинг пойдеворлик хусусияти қай да-

ражада мустахкамлигини англаш учун атрофимга, ижтимоий тармоклар ва оммавий ахборот восьиталарига назар солдим: телефондаги хоситаларига назар солдим: телевизорларда «хўй» сўзининг ўрнида кўпинча инглизча «ок» (оек) сўзи кўлланилади. Ьашлар «ҳа, зўр» деган сўзлар ўрнида инглизча «ес», сўзини кўпроқ ишлатишади. Барча телеканаллардаги ток-шоулар, кўрсатувлар, сериалларда «вообше», «уже», «коенично», «раз», «почти», «нерв», «давление», «лидер» каби русча сўзлар бемалол ўзбек тилидаги «хўй» сўзини ишлатилавади. Бирорта концерт ёки қизиқирик гурухларнинг чишишларини айтмаса ҳам бўлади. Минглаб томошоюни олдида «дурагар тилда гапирилади.

МЕН ТУРЛИ ИЛМИЙ, МАДАНИЙ-МАЊАВИЙ ТАДБИРЛАРДА КЎП ИШТИРОК ЭТАМАН. МИНБАРГА ЧИҚКАН СИЁСАЧТИЛАР ҲАМ, ОЛИМПЛАР ҲАМ, ДЕПУТАТУ ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ УЗ НУТКЛАРИГА КАМИДА БЕШ-ЎНТА ХОРИЖИЙ СЎЗНИ КЎШМАСАЛАР БЎЛМАЙДИ. УЛАР «МОТИВАЦИЯ», «КРЕАТИВ», «ИНТЕГРАЦИЯ», «СИСТЕМА», «ПРОГРАММА», «ЗАПАС» КАБИ БИР ҚАТОР СЎЗЛАР БИЛАН НУТКЛАРИНИНГ «БЕЗАШАДИ» БЛОГЕРЛАРНИ-КУ, ҚЎЯВЕРИНГ.

Хўш, тилни бузуб гапириш нима учун бу қадар болалаб кетди?

Менимча, бу жиддий масала. Тасаввур килинг, хорижий тиллар миллий тилларни илдизига ёриб кириб, кулай ўнашиб олди ва шу тил билан ўйнунлашига киришиди. Энди унча нафакат маълум бир гурухлар, балки бутун жамият ўлаштириди. Бошқача айтганди, бу ўйнунлашига ижтимоийлашди. Аслида энг ҳавфиси мана шу - ижтимоийлашув! Энди у умумий сўзлашувлардан ташкири таълим тизимига, оиласа кириб боради, оммавий ахборот восьиталари ва ижтимоий тармокларда, минбарларда, барадла янграйди. Аста-секин адабиётга ҳам кириб боради.

Эҳтимол, кимдир «Нима бўпти?» дер. Аслида геномин давлатлар ўз миллий тилини бошқа милллатлар тилларни олиб киришга ва ўз тилларда сўзлайдиганлар сафини кўпайтиришга жиддий эътибор беришиди. Бу - ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий моҳиҳтиягэ маъсала. Ҳозир дунёда инсонлар энг кўп сўзлашадиган тил - инглиз тили, иккичча ўрнида эса хитой тили. Хитой бошқа мамлакатларга инвестициялар олиб кириш орқали хитой тилини ўргатишга қаралтиган дастурий ҳаракатларни ҳам олиб бормоқда. Макслад - инглиз тилини «босиб ўтиб», ўз тилини энг кўп сўзлашадиган тилга айлантириши.

Ўзгалар тилини она тили ўрнида ишлатиш - мањавий қарамликнинг бир кўриши. Биз мағкуравий иммунитети ҳақида гапирсан-да, лекин устоузларимиз «дурағай» тilda сабоқ беришса, оналаримиз хо-

рижий тилдаги алла билан болаларини ухлатишса ёки хорижий сўзлар билан эркалатишса, тадбиркорлар корхона ва мусасаларига хорижий ном кўйишга кимзур ўйнашса, бу канака иммунитет бўлди?

ХУЛЛА, ГАПИРАВЕРСАНГ - ГАП, АЙТАВЕРСАНГ - МИСОЛ КЎП. АСЛИДА ОНА ТИЛИГА НИСБАТАН ЭЪТИБОРСИЗЛИК, ҲУРМАТСИЗЛИК МИЛЛИЙ ҒУРУР ЕТИШМАСЛИГИ БЕЛГИСИ. БИЗНИ БУГУНГИ ЁРУФ КУНЛАРГАЧА ЕТАКЛАБ КЕЛГАН, ўГИМИШИЗ, ҚАДРИЯГЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ, АНЬАНАЛАРИМИЗ ВА АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСЛАРИНИ АСРЛАР СИЛСИЛАСИДАН ОЛИВ ЎТГАН, ОНАМИЗ ОВОЗИДА ҚУЛОҒИМИЗГА АЛЛАЛАР ҚУЙГАН ОНА ТИЛИМИЗИЗ ҚАДРЛАШАР БИРИМИЗ УЧУН ШАРАФЛИ ВАЗИФАДИР!

Шахло АХРОРОВА,  
Ижтимоий-мањавий  
тадқиқотлар институти  
катта иммунитети  
фалсафа фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Ҳеч аҳамият берганимисиз, деярли ҳамма жойда, яни ҳамма ишхонада театр тили билан айтганди, «коммавий саҳналарда қатнашиб юрадиган «хизмат курсаттаган» ходимлар бўлади. Энг қизиги, улар ишхонада асосий ролни ўйнайдиган ходимлардан ҳам кўпроқ ҳақ-хуқуқ ва имтиёзларга эга бўлишиди. Яни улар вақтида таътилга чиқишиб, «кот и до» дам олишиди, «вакътида» ёрдам пули, ўйлумна, чипталар олишиди. Улар ишга кечикса ёки кепломаса - узрли. Ойда-йилда берилган топширик бажарилмаса (бажаролмайди ҳам) ломмим дейймайди. Тўғри, баъзан раҳбар кўпчилликнинг олдида «валломат»ни изза қилиши мумкин, лекин уни ишдан бўшата олмайди. Нега? Чунки «станка», таниш-билишчилик... бор.

## 3 ЎРАКИ «ЗЎР»ЛАР АНЖИРИ...

### ёҳуд ижодий коррупция ҳақида

Ўзи, шу «зўр»лар қаердан пайдо бўлади? Аннороги, улар қандай «яратилади?». Келинг, шу саволларга ижодкорлар мисолида жавоб излаб кўрамиз.

«Илтимос, шуну чиқариб берсангиз...» деб фарзанди ёки набирасининг «асари»ни кўлтиклиб юрувчиларга дуч келмасан мухаррар бўлмаса керак. Кейин...

Афуски, кўп холларда «илтимос» иноситатга олинади. «Асар»ни адабиётдан хабардор ходим деярли қайтадан ёзиб чиқади. Карабиски, «асари»дан асар ҳам қолмаган ёш, умидли ижодкорнинг ижодидан намуналар газета ёки журналда эълон килинади. Бундан «рухланган» шеърият «шайдолари» ёнди бошқа босма нашрларнинг эшигини қўшишади. Ва яна ўша гап: «Илтимос, шунни...».

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, «илтимос»лар телефонда ёки учрашганда айтади. Ҳатто, байзан ёш «ижодкор»нинг факат исм-шарифи ва манзили айтлади. Хатто...

Афуски, кўп холларда «илтимос» иноситатга олинади. Аммо борган сари унинг саводи ва салоҳияти қайда даражада экани маълум бўлади-кўяди. Энг қизиги, таҳрирлаб материалинг тузатилиши, таҳрир килинши «зўр»га хечам ёқмайди. У «меннинг материалиларин фалон жойларда эълон килинган, мен ундоқман, мен бундокман, бўйманс...», деб идао ҳам килади.

Яхшиямки, шу адабиётга «ихлюсманд» арзандалар нариси асар ёзиши қизиқмайди. Бўлмаса, ёзиб берадиганларга кийин бўларди. Ким билади дейсиз, эҳтимол, балки хикояга, қиссага «хисса» кўшашётганлар ҳам бордир...

Қиссаси, «амалий» саъи-ҳаракатлар натижасида камиди беш-олти жойда «асар»лар эълон килингач, борар манзиз ўзгаради. Кейинги манзиз - нашриёт! Бу гал энди «илтимос» килинмайди. Чунки айрим нашриётларга фарки ўйк, пул тўлансан бўлди: китоб чиқаверди. Адади 100 ёки кўп билан 500 нусхада чотилган ўша китобчани нашриёт мухаррири ўқимаган мумкин.

Очиғи, баъзида китобчага «масаллик» етмай колади. Яни ўш «ижодкор»нинг ўзи ёзган, лекин ҳали ўзгалар қалами тегмаган «битик»лари камлик килади. Шунда нима бўлади? Хеч нарса! Хавотирга ўрин

лар, «Кейинги йилларда ноз-неъматлари миздан бирни бўлмиш шелуха етишириш кўйтаймокда» деб ёзганлар, «Аждодларимиз - баркамол бўлсин!» сарлавҳали мақолани газетада чоп этганлар унвон ва мукофотларга муносавт кўрилавади. Койилмисиз? Зўр...

Такрор бўлса-да, яна бир бор таъкидлайман: зўраки «зўр»лар деярли ҳамма жойда, ҳамма соҳада бор. Бу - аksiomasi, яни ислоб талаб килинмайдиган ҳақиқат!

Иш бермайдиган, кўлидан хеч нарса келмайдиган, аммо кўли «кузун»лар бор экан, истеъодлила ва интилувчан ёш мутахассисларга кийин бўлади. Чунки уларни «кўзун» билан мақсадга эришилади ҳам.

Бу кетишида, бу муносабатда «Аждодларимиз - баркамол бўлсин!»нинг фарқига бормай, асл ҳақиқатни билмай ўтиб кетамиз...

Афус...

Алижон  
АБДУРАХМОНОВ  
«ISHONCH»



## СЕНГА ИНСОФ БЕРСИН, РУЛДАГИ ОДАМ!

АЯНЧЛИ ЯКУН ТОПГАН ИККИ АВТОҲАЛОКАТ ҲАҚИДАГИ ҲАБАРГА  
ҚЎЗИМ ТУШДИ: БИРИ - НАВОЙ ВИЛОЯТИНИНГ ҲАТИРИЧИ ТУМАНИДА  
BYD АВТОМАШИНАСИ ҚУРБОНИГА АЙЛАНГАН ҚИЗАЛОҚ, ИККИНЧИСИ - ҚАРШИДАГИ  
BYD SONG PLUS ВА СПАРК ТҮҚНАШУВИДА ҲАЛОҚ БЎЛГАН СПАРК ҲАЙДОВЧИСИ.

Пиёдалар ўйлагидан ўтаётган 8 ёшли қизалоқ «упкаси ўйқ» ҳайдовчилар айби билан бу дунёдан бевақт кўз юмди. Аянчли лавҳани кўриб, куз ўнгимга болалар келди. Чунки улар ҳам куни мактабга бориб-келишида кўчада юришиди, пиёдалар йўлжасидан ўтишиди. «Йўлдан ўтаётганнинг этиёт бўй, шошила, босар-турарини билмай хайдайдиганлар кўп. Пиёдалар учун ўйлана бўласа ҳам, ўтиб кетадиган машиналар бор, жуда кўп...», деб ўқтираман уларга. Ва ишда ҳам, онда-сонда эсмига тушганда, «Аллоҳим, ўзинг асрал» деб дуо киласан.

«Ўйга этиб килишини билан менга кўнгироқ кил, хотиржам бўлмаман»,

деб ҳар куни тайин-лайман.

Чунки бизда

қонунларни мен-

сиймайдиганлар

кўп. Тартибга,

йўл қоидалари

«тупуриб» кўйган-

ларни ҳар-

қадамда уч-

ратасиз. Бир

видеода йўл

қоидалари

бузган «Малибу»

ҳайдовчиси «те-

падаг



# «Бу дунёниг кўрки – одам боласи...»

Инсоният тарихи давомида турли халқлар орасидан қўша-қўша фавқулодда иқтидор соҳиблари етишиб чиқкан. Биз бу ўринда ўзбеклар деганда, Навоий ва Бобурни, озар дўстлар ҳақида гап кетганда Низомий ва Насимийни, олонмандардан Гёте ва Гейнени, тохик бирордарлардан Рудакий ва Жомийни, қозоқ қардошларимиздан Абай ва Жамбулини, қирғизлардан Тұқтагул ва Тұғалоқ Мұлданни, туркман дўғонлардан Маҳтумкули ва Мулланафасни, қорақалпоқ қариндошларимиздан Бердақ ва Ажиниёзни назарда туялпиз.

Ажиниёз ўз замонаси чўққиларидан туриб, «Бу дунёниг кўрки – одам боласи, Кўкақ етар унинг оху ноласи», деб ёзган, келгуси насллари учун баҳтли кунлар келишини орзу киғлан эди. Айни кунда бир пайтлар Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ўтеш оху зор чекиб яшаган жойларда янги ҳаёт фунчлари очилмоқда, гўзл шахар ва кишлолар қад ростламоқда, она табиатнинг яшил белоглари яшишамоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 16 июля имзолаган «Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Кўйибўй ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»га қарордад таъкидланганидек, бу буюк инсон ўзбек ва қорақалпок халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва оғизбирчилликни янада мустахкамлашга муносиб хисса кўшган, шеър ва достонларида илгарга сурйлган гуманистик фалсафий қарашибари эл-юртимиз қалбидан чукур жой эгаллаган ижодкор эди. Ахли оламга ўз даврининг илғор зиёлиси, пешкадам сўз зарғар, чукур билимлар соҳиби сифатидан танилганди. Ҳонлик марказидаги машҳур Шерғозиҳон ва Кутлимурод иноқ мадрасаларидан ташқари, ҳозирги Қорақалпогистон, Қозигистон ва Туркманистон худудидаги маданият марказларида бўлиб, шоиrlар ва алломалар билан мулоқотта киришган, мумтоз мутафаккирлар меросини ўрганиб, охун макомини олганди. Унинг биргина Хивада буюк Отахийдан олган билимларининг ўзи улкан дорилғунун эди. Энг муҳими, Алишер Навоий ва Маҳтумкули Фирғойиқек сўз пирлари аспарларидан кўп нарса ўргангани шеърларида яққол билиниг туриди.

Ажиниёз туркий халқларининг мухаббат лирикасига ҳам олтин саҳифалар кўши. Масалан, «Ҳар кимсанинг ёри бўлса» шеърига каранг:

Еринг бўлсин Ҳумой каби,  
Қўнгели бўлсин сарой каби,  
Юзи бўлсин ҳам Ой каби...

Унинг «Йўқ менинг», «Йўл бўлсун», «Гўзаллар», «Бир жонон», «Хей, нозиннлар», «Бир пари», «Бўзатови нозанин», «Ёр таърифи», «Севилим», «Дилдорим», «Лайли янглиғ», «Бевафо ёр», «Бибигул», «Дилдорнинг хабарин», «Севган ёрим бор», «Қирмизи», «Дилбарим», «Хивалик киз» каби ўнлаш шеърлари туркий халқлар лирикасида эътироф этилган сара сўз жавоҳирларидир.

Ажиниёзниг куйидаги сатрлари қанчадан-қанча илбрайоти Ҷўлмирзалидаги илҳом берган:

Ай – алифким, оқ юзингудор айни олам анвари,  
Бе – белинг хипча дилбар, қўзгинанг шаҳло вали,  
Те – тишингдур, дона-дона лабларининг боллари,

Се- сўриб ширин лабинг, қонадурман, эй пари,  
Жим – жамалинг кўрмагунча, зори гирён Зевари...

Атоқли қорақалпоқ шоири Қўйибўй ўтепберген айнан

шу сатрлар асосида яратган шеърини Туркистон халқлари ма-

даниятлари ассамблеясининг Тошкентдаги «Туркистон» са-

ройида бўлган анжуманида ўқиганида, Чингиз Айтматов ўр-

нидан туриб қарсак чалган, илиқ сўзлар билан олқишилаган

эди.

Ажиниёздин деярли 500 сатрдан иборат асари бўлмиш

«Киз Менгеш билан айтишув» асари унинг ҳамда қозоқ шои-

рингин сўз мусобакасидир. Унда қорақалпоқ шоирининг сўз

маҳорати асарга зеб бериб туриди.

Ёр ва диёр ишчи Ажиниёз ижодининг қаймоғидир:

Лабарин пистадек, тишин маржонидир,  
Қўрган ҳайрон, кўрмагана армонидир,  
Ҳар бир сўзинг дардли қулаға дармонидир,

Ҳабар беринг, паризодим, ийл бўлсун.

Буюк ижодкорнинг ўнлаш шеърларига кўй басталаниб, халқ артистлари О.Шамуратова, С.Мамбетова, Б.Матчонов, Г.Сиримбетова ва бошқалар томонидан мароқ билан кўйланган. Ҳалқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ю.Юсупов «Ажи-

ниёз» операсига либретто ёзган.

Ажиниёз «Элларим бордур», «Даврон бўлмади», «Майдоничнда», «Элни кўйар кун бормикан?», «Қубоқуш», «Армонидунё», «Каби шеърларида умумбашарий тўйгуларни ифода этади. Ўз даврининг рўй-рост тасвирини «Бузатов» номли достонидаги тутаг чизиб беради. Унда очник, ҳақсизлик гирдо-  
бига колган, турил худудларга тарикдек сочилиб кетган халқи

ҳақида шундай деб ёзади:

Отдан айрилди қалпоқли ўғлон,  
Сотиди, ҳур бошин айлади гулом.

Кимлар Ирқ кетди, кимлар кетди Шом,  
Кимсалар Курд, Техрон тушибди, Бўзатов.

Шоирининг шеърларида машъум замон, золим тузум, умид-  
сизлик, армонлар, уруш ва талон-торожлар яққол аксини

топган:

Адиф қаддим долдек бўлиб букилди,  
Қўзларимдан конли ёшим тўклиди.

Йўл бўйига ўғлан асл юқими

Бозорғ элтужук карвон бўлмади.

Бу саҳрода яралган маҳзун симфониянинг бир бўлаги эди.

Ушоу сатрлар шоирининг улуг замондоши Бердақ Қарғабой ўғ-

лининг куйидаги мағзи тўқ мисраларига ҳамоҳанг эди:

Бирорлар оч, бирорлар тўй,

Тўқ одамнинг қайғуси ўй,

Оч одамнинг ўйкиси ўй,

Ани ҳар кун орзуланади.

Тенгисиз сўз зарғари Ажиниёз ўз замонасининг Кунхўжа ва Бердақ каби энг улуглари сингари оиди ҳукмдор орзуни билан яшаган. Ўзи ўқиган Шерғозиҳон мадрасаси деворига унинг тўрт сатр шеъри ёзиб кўйилган. Биз ўша тўртликни ўзбек тилига таржими қилганимиз:

Қашқалдоқса бир қатламча ёғ битса,  
Шовқин солиб кўнгар кўлин танимас.

Поддоҳонинг давлати қайтайн деса,

Қўзин ёғ босиб, элин танимас.

Инсон баҳту саодати Ажиниёз лирикасининг негизини таш-

кил этиди. Ўз сўзига содик ва сабит шоир халқчил илгор жа-

мият, комил инсон орзу-максадлари, соф инсонин мухабbat ва

вафо туйгулари билан яшади. Шу нуктадан назардан караганда,

шоир таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан унинг асар-

лари кайта нашар этишини, ҳаёт ва фаолиятига бағишилаб ба-

дий, иммий-оммабон асарлар чол қилинни назарда тутилгани

айни мудда бўлди. Чунки шоир асарларидан шу кунгата қилин-

ган таржималарининг бир қанчаси таҳрирга мухтож. Масалан,

ўтган асрнинг эллигинчи ийллари ўрталарида босмадан чиқдан

«Қорақалпок поэзияси антологияси»да Ажиниёзининг «Миниб

араби отлар» сатри «Миниб арава-отлар» шаклида кетиб кол-

ган. Таникли адабийтшунос, филология фанлари доценти Айт-

мурат Алниязов бунга ўшаша кусулардан жуда кўпини аниқла-

ган. Янги нашрларни тайёрлашда шундай олимлар фикри хи-

сбога олинса, фойдадан холи бўлмади.

Қарорда «Ажиниёз» бадиий-публицистик фильм-  
мини яратиш, Нукус шахрида шоир ижодига бағиши-

ланган «Айт, сен Ажиниёзниң қўшиқларидан мав-

зусида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг тан-

ловини, ижод мактаблари ўкувчилари ўргасида

Ажиниёз Қўсибой ўғла ҳаёт ва ижодига бағишилан-

ган иншолар танловини ўтказиш белгилангани нур

устига нур бўлди.

Ишончимиз комилки, улуғ шоир ўз шеър ва дос-

тонлари билан асрлар оша келгуси авлодларга бе-

миннат хизмат қиласеради!



Янгибай Қўчқоров,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими,  
Қорақалпогистонда хизмат  
кўрсатган журналист

## Рагбат

Бу йил Андикон вило-  
яти Олтинкўл тумани-  
даги 20-умумий ўтга тъ-  
лим мактабини 43 нафар  
ўкувчи тамомлади. Эъти-  
борлиси, битирувлар-  
нинг барчаси муддатидан  
олдин олий тълим  
масканларига ўқишига  
қабул қилинди.



Ҳалол ошга теват теккан –  
бузилган бир ўлка бу,  
Одамлари ўз элида  
ўзи асир ўлка бу.  
Эрлари қул, хотунлари  
тирик есир ўлка бу,  
Энди ернинг юзасидин  
очиқ мозор устувор.

«Сўрашди, бўзариши, буларни  
шоири ўтган кундан кунни

шоири ўтган кундан кунни